

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САМАДИЙ МУРОДЖОН АБДУСАЛИМЗОДА

**ОРОЛ ДЕНГИЗИ ШЎРЛАНГАН СУВЛАРИ АСОСИДА ЛИТИЙ
БИРИКМАЛАРИ ВА ХАНДИЗА КОНИ ХОМАШЁ МАНБАЛАРИДАН
РУХ ХЛОРИДИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан (DSc) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Самадий Муроджон Абдусалимзода

Орол денгизи шўрланган сувлари асосида литий бирикмалари ва Хандиза кони хомашё манбаларидан рух хлоридини олиш технологияларини ишлаб чиқиш.....3

Самадий Муроджон Абдусалимзода

Разработка технологии получения соединений лития на основе соленых вод Аральского моря и хлорида цинка из сырьевых источников месторождения Хандиза.....29

Samadiy Murodjon Abdusalimzoda

Development of technology to obtain lithium compounds based on the salty waters of the Aral Sea and zinc chloride from the raw materials of the Khandiza deposit.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САМАДИЙ МУРОДЖОН АБДУСАЛИМЗОДА

**ОРОЛ ДЕНГИЗИ ШЎРЛАНГАН СУВЛАРИ АСОСИДА ЛИТИЙ
БИРИКМАЛАРИ ВА ХАНДИЗА КОНИ ХОМАШЁ МАНБАЛАРИДАН
РУХ ХЛОРИДИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида
B2023.I.DSc./T495 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iopx.uz) ва «ZiyoNET» ахборот тизим порталда (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Намазов Шафоат Саггарович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оponentлар:

Шарафитдинов Улутбек Зиятович
кимё фанлари доктори, профессор

Реймов Ахмед Мамбеткаримович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Шеркузиев Дониёр Шермаатович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва неорганик кимё институти ҳузурдаги DSc.02/05.05.2023 К/Т.35-02 рақамли Илмий кенгашнинг «10» июл 2024 йил соат 14⁰⁰ дақиқ мўҳлисда бўлиб ўтди. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улутбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: iopx@academy.uz)

Диссертация билан Умумий ва неорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (№ 23 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улутбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2024 йил «24» июн кунин тарқатилди.

(2024 йил «24» июн дақи 23 - рақамли реестр баённомаси)



Усанбаев Н.Х.
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

Шукуров Ж.С.
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий хотиби, т.ф.д., катта илмий ходим

Гуро В.П.
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда чиқиндисиз технологияларни ва нанотехнологияларни ривожлантириш, мавжуд ишлаб чиқариш саноатини такомиллаштириш ва “яшил энергия”га ўтиш жараёнида самарали ва арзон кимёвий бирикмалар билан таъминлашга бўлган талаб ортиб бормоқда. Рух хлориди галваник аккумуляторлар, мато ва картонларни шимдиришда, тиш цементи компоненти ва антисептик сифатида ҳамда пайвандлаш ишларини сифатини оширишда муҳим хомашё ҳисобланади. Шунингдек, литий ва унинг бирикмалари шиша ва керамика саноатида, мойлаш материаллари, батарейкалар, совутгичлар, кимёвий реагентлар ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади. Бу ўринда, саноатни рух хлориди ва литий карбонат билан таъминлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида етакчи илмий марказлар томонидан, рух рудалари ва концентратларини қайта ишлаш, таркибини тозалаш, рух ажратиб олишнинг самарали усулини ишлаб чиқиш ҳамда суюқ ва қаттиқ литий хомашёларидан литий бирикмаларини олиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, полиметалл рудалар ва уларнинг концентратларини қайта ишлаш, турли компонентлардан тозалаш, рух хлоридни олиш технологиясини ишлаб чиқиш, суюқ ва қаттиқ литий ресурсларини топиш, улар асосида литий хлориди ва карбонатини олиш, денгиз, океан, шўр қўллар сувларидан ва турли хил қаттиқ минераллардан литий бирикмаларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикадамизда полиметалл рудаларни қайта ишлаб рух ва рух тузларини ишлаб чиқариш ҳамда Орол денгизи сувларидан аналитик усулларни қўллаб литий тузларини ажратиб олиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, рух оксиди, рух фосфати ва литий тузларини алоҳида тақидлаш мумкин. 2022-2026-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги стратегиясининг учинчи йўналишида “...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, ялпи ишлаб чиқаришда саноатнинг улушини ошириш ҳамда ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш...”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Хандиза кони рух концентратидан қўшимча аралашмалардан тозаланган рух хлоридини олиш ва Орол денгизининг шўр сувидан литий ажратиб олиш учун мақбул адсорбентлар синтез қилиш, ҳамда литий карбонат олишнинг оқилона, тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2019-йил 3-апрелдаги ПҚ-4265 сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестиция жозибдорлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021-йил 13 февралдаги ПҚ-4992 сонли “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Рух рудалари ва концентратларини қайта ишлаб рух тузларини олиш ва литий бирикмаларини сувли ва қаттиқ хомашёлардан ажратиб олиш, ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Oak Ridge Laboratory (АҚШ), Tainjin University of Science and Technology (Хитой), Universit'e Paris-Est (Франция), Campus Universitaire (Тунис), University of Parma (Италия), United Arab Emirates University (БАА), Korea Institute of Geoscience and Mineral Resources (Жанубий Корея), .И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология институти (Россия) ҳамда Умумий ва ноорганика кимё институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда рух рудаларидан рух тузларини ва турли хомашёлардан литий бирикмаларини ажратиб олишга доир илмий тадқиқотлар олиб борилган ва қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: таркибида сфалерит, пирит ва галенит бўлган сульфидли комплекс рудани кетма-кет биооксидлаш ва кислота билан ювиш йўли билан қўрғошин, мис ва рух ажратиб олинган (Чэнду технология университети, Хитой); паст навли рух концентратидан тозалаш, ювиш ва электролиз қилиб юқори концентрациядаги рух синтез қилинган (Урал давлат техника университети, Россия); цинк тутувчи концентрат ёки ZnS сериясидаги куйдирилган материаллар асосан полиметал рудаларни флотация усулида бойитиш ва 800-1100°C да куйдириш йўли билан олинган (FURUYA METAL Co. Ltd, Япония); геотермал сувлардан алюминий қотишмалари адсорбентлар ёрдамида литий бирикмаларини ажратиб олиш технологияси такомиллаштирилган (Oak Ridge Laboratory, АҚШ); суюқликларни буғлатиш, чўктириш, экстракция, нанофилтрлаш, мембрана, электролиз ва конверсия усулларида литийни ажратиб олиш технологиялари ишлаб чиқилган (Tainjin University of Science and Technology, Хитой).

Дунёда турлича таркибга эга бўлган рух сакловчи ва литий хомашё манбаларини замонавий қайта ишлаш усуллари қўллаб, рух хлориди ва

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

литий карбонати ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда қуйидаги қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: рух концентратини хлорид кислота билан парчалаш ва ҳосил бўлган суспензияни қўшимча аралашмалардан тозалаш; рух хлориди эритмасини олиш жараёнида кинетик кўрсаткичларни аниқлаш; таркибида литий бўлган суюқ ва қаттиқ манбалардан литийни ажратиш олишда адсорбентлар таркибини ишлаб чиқиш ва синтез қилиш; адсорбент синтези ва денгиз шўр сувларидан литий карбонат олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда рух сақловчи манбалардан рух метали, рух сульфати ва бошқа бирикмаларга қайта ишлаш бўйича олимлар Н.В.Марченко, Е.П.Вершинина, Э.М.Гильдебрандт, М.Е.Позин, Yan Li, Anhuai Lu, Song Jin, И.В. Родин, В.М. Гудкевич, Ж.Б.Махмаёров, М.Н.Набиев, Р.Г.Осичкина, рухни гидрометаллургик усулда ишлаб чиқариш технологиялари ва жараёнларда содир бўладиган кимёвий жараёнлар бўйича эса М.М.Лакерник, Г.Н. Пахомова, А.П.Снурников, В.Я. Зайцев, Е.В. Маргулис томонидан илмий тадқиқот ишларини олиб борилган. Улар томонидан кимё саноатида, тиббиётда, биотехнологияда, микробиологияда, озик-овқат саноатида, қадоқлашда ва саноатнинг бошқа бир қатор соҳаларида қўлланиладиган рух бирикмалари, турли катализаторлар ва ингибиторлар синтез қилинган.

Yingchun Xie, M.S.Kim, R.R.Srivastava, G.Grosjean, V.Flexer денгиз суви, рассол ва гидротермал сувлардан литийни ажратиш учун эритувчилар ёрдамида экстракция қилиш ва чўктириш, танламали равишда мембранали ажратиш, электродиализ, ион алмашинув и адсорбцион усуллар, R.Chitrakar, B.Swain, Tianlong Deng каби олимлар литий-ион элакни қўллаган ҳолда ион алмашинув адсорбция усулидан фойдаланиб ўзларининг қатор илмий изланишларини олиб борган.

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан Хандиза кони рух сақловчи рудаси ва концентратини рух хлоридига қайта ишлаш ҳамда Орол денгизи сув ресурсларидан литий бирикмаларини ажратиш олиш технологияларини ишлаб чиқишга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ушбу диссертация ишида бажарилган тадқиқотлар рух концентратини юқори босимдаги автоклав қурилмасида рух хлоридига қайта ишлаш ва қўшимча аралашмалардан тозалашнинг назарий асослари ва технологияси ҳамда Орол денгизи шўр сувидан литийни ажратиш олиш учун адсорбентлар таркибини синтез қилиш ва литий карбонат олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш имконини берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АЛ-59-21122092 “Орол денгизи шўр кўлининг суюқ литий ресурсларидан шпинел ионли элак ёрдамида литийни экологик тоза ва самарали олиш технологияси асослари” (2023-2024 йй.) мавзусидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хандиза кони рух сақловчи рудаси ва концентратини рух хлоридга қайта ишлаш, ҳамда Орол денгизи сув ресурсларидан литий бирикмаларини ажратиб олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хандиза кони рух сақловчи хомашёсининг кимёвий ва минералогик таркибини аниқлаш;

Хандиза рух сақловчи рудасини хлорид кислота билан парчалаш жараёнини тадқиқ этиш;

рух концентратини хлорид кислота билан парчалашда термик ишлов бериш жараёнининг технологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

рух хлорид олиш жараёнига кинетик хусусиятлар ва технологик кўрсаткичларнинг таъсирини аниқлаш;

Хандиза рух концентратидан рух хлорид олиш жараёнининг технологик схемасини ишлаб чиқиш, моддий балансини ҳисоблаш ва дастлабки техник-иктисодий самарадорлигини аниқлаш;

Орол денгизи шўр сувидан литийни ажратиб олиш учун адсорбентлар таркибини ишлаб чиқиш ва синтез қилиш;

синтез қилинган адсорбентларнинг адсорбцион хоссаларини ва физик-механик хусусиятларини аниқлаш;

адсорбент ва Орол денгизи шўр сувларидан абсорбцион усулда литий карбонат олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш ва тажриба шароитида жараённинг алоҳида босқичларини синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хандиза кони рух сақловчи руда ва концентрати, хлорид кислота, рух хлорид эритмаси, техник рух хлорид, Орол денгиз суви, адсорбентлар, натрий ва литий карбонатлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети таркибида рух сақловчи концентратни хлорид кислота билан парчалаш, техник рух хлорид олиш жараёнлари, ҳамда Орол денгизи шўр сувидан адсорбция усулида литий карбонат ажратиб олиш технологик схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кимёвий, физик-кимёвий, рентгенографик, ИҚ-спектроскопик, индуктив плазмали масс-спектрометрия (ИПС), атом-абсорбцион спектроскопия ва сканерли электрон микроскопия (СЭМ) таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 500°C ҳароратда термик ишлов берилган Хандиза кони рух сақловчи концентрати хлорид кислотада парчаланганда рухнинг парчаланиш даражасини 68,45% дан 90,05% гача ошганлиги, кальций, мис, кўрғошин, молибден, кадмий ва кремнийларнинг эрувчанлиги эса бир неча баробар камайганлиги исботланган;

рух хлорид эритмасини тозалаш жараёнида кальций хлорат, кальций оксид, рух гидрооксид ёрдамида темир ва кальций тузларининг 98,33 ва 99,82% миқдорда чўқиши аниқланган;

рух сақловчи концентратни юқори босимли автоклав қурилмасида хлорид кислота билан парчалош асосида тозалик даражаси 97,7% рух хлориди синтез қилинган ва олиниш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор абсолют этил спирти иштирокида литий карбонати ва титан оксиди аралашмасини 1023К ҳароратда қаттиқ-фазаги модификациялаш усулида LiTi_2O_4 (LTO-1) адсорбенти синтез қилинган;

LTO-1 адсорбент кукунига карбоксилметилцеллюлоза (КМЦ), темир хлориди, диэтилен гликол глицидил эфир (ДЭЭГ) ва меламинадан (МЕ) иборат эритма билан ишлов бериш йўли билан хлорид кислота муҳитига барқарор ва адсорбциялаш сиғими 12,02 мг/г бўлган донадор КМЦ-LTO-ДЭЭГ-МЕ композицияси ишлаб чиқилган;

Орол денгизи сувидан КМЦ-LTO-ДЭЭГ-МЕ композициясида литийни адсорбциялаш, хлорид кислотали десорбциялаш ва натрий карбонатда чўктириш усулларида литий карбонати олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хандиза кони рух сақловчи концентратни юқори ҳароратда қуйдириш йўли билан хлорид кислотали парчалош жараёнини жадаллаштириш ва рух хлориди эритмасидан қўшимчаларни самарали тозалаш усуллари такомиллаштирилган;

рух сақловчи концентратни автоклавда хлорид кислота билан парчалош асосида техник рух хлоридини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

рух хлоридини олиш технологияси “Навоий кон-металлургия комбинат” АЖ да тажриба-саноат синовидан ўтказилган ва рух хлориди асосида сувсизлантирувчи реагент ҳамда катализатор синтез қилинган;

натрий карбоксиметилцеллюлоза биополимеридан фойдаланиб десорбция жараёнида титан оксидининг йўқотилиши асосланган;

кислота муҳитига нисбатан барқарор хоссага эга бўлган КМЦ-LTO-ДЭЭГ-МЕ адсорбенти синтез қилинган ва Орол денгизи сувидан литийни ажратиш олиш ва литий карбонатини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Замонавий кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари натижалари, ҳамда КМЦ-LTO-ДЭЭГ-МЕ адсорбентини ва литий карбонат олиш технологияларини «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ модел қурилмаларида синовдан ўтказилганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хандиза кони рух тутган концентратини термик ишлов бериш ва уни хлорид кислота билан парчалош жараёни, ҳосил бўлган рух хлорид эритмаларини қўшимчалардан тозаланганлиги ва тоза рух хлориди олинганлиги, шунингдек, Орол денгизи шўр сувларидан литий бирикмаларини ажратиш олишда адсорбент синтез қилинганлиги, адсорбентнинг фаоллаштириш усули, адсорбентда литийни адсорбцияланганлиги, тўйинган адсорбентдан литийни десорбция усулида ажратиш олинганлиги ва эритмага ўтган литийни седиментация усулида чўктириш олишда қонуниятлар аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти куйдириш усули билан Хандиза кони рух концентратини реакцион қобиляти ошириш, автоклав қурилмасида хлорид кислота билан қайта ишлаб, ҳосил бўлган рух хлориди эритмасидан рух хлоридни ажратиб олиш, шунингдек КМЦ-ЛТО-ДЭЭГ-МЕ адсорбентини синтез қилиш ва Орол денгизи шўр сувидан литийни адсорциялаш, адсорбентдан литийни хлорид кислотаси эритмасига десорбциялаш, натрий карбонати орқали эритмадан литий карбонатини ажратиб олиш технологияларини ишлаб чиқиш, мамлакатни қимматбаҳо кимёвий маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хандиза кони рух сақловчи концентратини рух хлоридига қайта ишлаш ва Орол денгизи шўр сувидан литий бирикмасини ажратиб олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

карбоксиметилцеллюлоза, литий-титан оксиди, диэтилен гликол глицидил эфир ва меламина асосида КМЦ-ЛТО-ДЭЭГ-МЕ адсорбентини олиш технологияси «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг “2026-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли илмий ишланмалар рўйхати”га киритилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2024 йил 15 февралдаги 23/01-01-07/65-сон маълумотномаси). Натижада, Орол денгизи сувларидан литийни танламали ажратиб олиш хусусиятига эга адсорбент олиш имконини беради;

Орол денгизи сувидан адсорбция усулида литий карбонат синтез қилиб олиш «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ нинг “2026-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли илмий ишланмалар рўйхати”га киритилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2024 йил 15 февралдаги 23/01-01-07/65-сон маълумотномаси). Натижада, Орол денгизи сувларидан аккумуляторлар учун литий карбонат олиш имконини беради;

Орол денгизи сувидан литий карбонат олиш технологияси «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ нинг “2026-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли илмий ишланмалар рўйхати”га киритилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2024 йил 15 февралдаги 23/01-01-07/65-сон маълумотномаси). Натижада, Орол денгизи сувларидан литий карбонат олиш технологиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 23 та, жумладан, 12 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан, 6 та республика ва 7 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган 249 номдаги адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 183 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболи бўйича хулоса қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Рух ва литий бирикмаларини олиш соҳасининг замонавий ҳолати”** деб ҳисобланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, шунингдек рух хлорид ва литий бирикмаларини олиш ва қўллаш бўйича маълумотлар келтирилган. Рух бирикмалари мавжуд конлари, уларни ишлаб чиқариш имкониятлари ва қўлланилиши бўйича тадқиқотлари кўриб чиқилган. Илмий адабиётлар шарҳида литий бирикмаларининг дунё миқёсидаги манбалари, ишлаб чиқариш қўлами ва литий сақловчи суяқ манбалардан литий ажратиб олишнинг мавжуд усуллари батафсил ва чуқур танқидий таҳлил қилинган.

Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш натижаларига асосланиб тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Рух сақловчи хом-ашёдан рух хлориди олиш жараёнлари тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобида Хандиза кони рух сақловчи концентратини хлорид кислота билан парчалаш жараёнлари, кинетик тадқиқотлари, реологик хоссалари ва мақбул технологик кўрсаткичларининг тадқиқот натижалари келтирилган.

Хандиза кони рух сақловчи рудаси таркибида 4,95-5,15% рух ва рух сақлаган концентрати таркибида 39,45-40,50 % рухдан иборат хомашёларда тадқиқотлар олиб борилди. Хандиза кони рух сақловчи руда ва концентрати таркиби спектрал элемент таҳлили, рентгенофлуоресценция, ИҚ-спектроскопик ва рентгенографик усулларида аниқланди, натижада руда таркибида кремний, рух, алюминий темир, мис асосий моддалардан иборат бўлиб, натрий, калий ва магнийлар эса 1% дан 3% гача миқдорда мавжуд бўлади. Қолган моддаларнинг улуш кам миқдорни ташкил этади.

1-жадвалда Хандиза кони рух сақловчи концентрати спектрал таҳлили малумотлари келтирилган. Концентрат таҳлил натижаларида алюминий, темир кам миқдорда ва рух, миснинг миқдори эса юқорилигини кўрсатмоқда. Мис 3-6%, рух 25-40%, кремний 15% миқдорни ташкил этган.

Рух концентратини 28% хлорид кислотасида парчалаб рух хлорид олиш жараёни 10 соат вақт давомида $Zn:HCl$ 1:0,8 дан 1:1,5 гача бўлган нисбатда суяқ ва қаттиқ фазаларнинг кимёвий таркиби ўрганилди.

$Zn:HCl$ нисбати 1:1,5 дан 1:0,8 гача пасайиши билан концентратнинг парчаланиш жараёнида суяқ фазада барча компонентларнинг таркиби камаяд, рух ажратиб олиш даражаси эса 62,60% дан 75,45% гача ортади. Қаттиқ фаза таркиби кремний билан тўйиниб боради, қолган компонентлар мос равишда камаяди, жумладан, хлор ҳам.

1-жадвал

Хандиза кони рух сақловчи концентрати таркибини спектрал элементар таҳлил натижалари

№ нам.	Si, %	Zn, %	Al, %	Ca, %	Na, %	K, %	Fe, %	Mg, %	Mn, %	V, %	Ti, %	Cu, %	Pb, %	Bi, %	Sb, %	Zr, %
1	15	25	0,1	0,01	0,3	1	1	0,2	0,04	0,002	0,004	3	0,5	0,005	0,006	-
2	15	30	1,0	0,02	0,2	3	3	0,3	0,04	0,004	0,01	3	1,0	0,006	0,03	0,002
3	15	30	0,1	0,02	0,3	2	2	0,2	0,04	0,003	0,003	4	1,0	0,006	0,04	-
4	15	40	0,2	0,02	0,3	3	3	0,2	0,04	0,004	0,004	6	3,0	0,006	0,04	-

Рух концентратидан рухни хлорид кислота билан парчалаб олиш даражаси паст бўлганлиги сабабли, бу кўрсаткични ошириш мақсадида олдиндан куйдирилган рух ажратиб олиш жараёнининг технологик кўрсаткичларга таъсири ўрганилди. 10 соат вақт давомида, 28 %-ли хлорид кислота асосида Хандиза кони концентратини $Zn:HCl = 1:1,1$ нисбатда дастлабки куйдириш ҳарорати 300 дан 500 °Сгача кўтарилиши рухни миқдорига кам таъсир кўрсатиб рухни ажралиб чиқиши 14,831% дан 15,346 % гача ортади. Куйдириш Ca, Cu, Cd, Pb, K, Mo миқдорини камайтириб, темирнинг миқдорини 0,476 % дан 0,687 % гача ортишига олиб келади. Кўп миқдорда куйдириш жараёни қаттиқ фаза таркибига таъсир кўрсатиб, ҳароратни кўтарилиши калций, темир, мис, кадмий, қўрғошин, калий, молебденларнинг миқдорини ортиради, кремнийни 37,241 % дан 27,180 % гача, рухни 12,765 дан 9,720 % гача камайтиради. Бунда хлорнинг миқдори 1,752 % дан 1,702 % гача камаяди. Хандиза кони рух сақловчи концентратидан рух хлориди олишни илмий асослаш мақсдида, автоклавда $Zn:HCl=1:1,1$ нисбатда кинетик хусусиятлари рухни ажратиб олишда ҳарорат ва жараённинг давомийлигига боғлаб ўрганилди. Кинетик жараёнлар 70, 80, 90 °С ҳароратда ва вақт давомийлиги 1 соатдан 10 соат оралиғида олиб борилди 2-жадвал.

2-жадвалдан кўришиб турибдики, 70 °С ҳароратда жараён давомийлиги 6 соат бўлганда рухни эритмага ўтиш даражаси 66,23 %ни, 80 °С ҳароратда 68,20 % ни ва 90 °С ҳароратда 68,78 % ни ташкил этади. Бу ҳароратни 80°С дан юқорига кўтарилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

2-жадвал

Рух сақловчи концентратдан рухни ажратиб олишда ҳарорат ва жараён давомийлигининг таъсири

Вақт, соат	Ажралиш даражаси, %		
	70°С	80°С	90°С
1	14,37	14,80	14,94
2	27,18	28,00	28,28
3	38,45	39,60	39,99
4	48,55	50,00	50,50
5	57,87	59,60	60,18
6	66,23	68,20	68,78
7	74,00	75,80	76,40
8	80,43	82,30	82,88
9	85,00	87,50	87,80
10	88,33	90,01	90,48

70 °C ҳароратда рухни ажратиб олишда жараён давомийлиги 6 соатдан 8 ва 10 соатга оширилиши, ажратиш даражасини мос равишда 66,23 % дан 80,43 % ва 88,33 % га оширади. 80 °Cда бу кўрсаткичлар 68,20 %, 82,30 % ва 90,01 % га тенг, 90 °C да мос равишда 68,72 %, 82,88 % ва 90,48 % ни ташкил этади.

Олинган маълумотларга асосланиб рух сақловчи концентратдан хлорид кислотаси билан рухни ажратиб олиш жараёнининг реакция тезлиги ва фаолланиш энергияси ҳисоблаб чиқилган.

Рух сақловчи концентратни хлорид кислота билан парчалашда ҳарорат кўтарилиши билан реакциянинг тезлик константаси ҳам ошиб боради. Айниқса бу кинетик соҳада (343 ва 353 К да ҳароратда) сезиларли таъсир кўрсатади, кейинчалик у диффузион соҳада (363 К ва юқори ҳароратда) реакция тезлиги константасига амалий таъсир кўрсатмайди.

Концентратдан рухни ажратиш реакциясининг тезлик константаси Аррениус тенгламасига бўйсунди ва қуйидаги эмперик тенглама билан ифодаланади:

$$K = 3,08546e^{-5} \cdot \exp(4134,64/T) \quad \text{ёки} \quad K = 3,08546e^{-\frac{4134,64}{T}}$$

Ҳароратга боғлиқ равишда 343-363 К оралиғида фаолланиш энергияси E_a рух концентратида 0,48 ва 1,45 ккал/моль ёки 2,01 ва 6,09 кДж/мольни, ўрта кўрсаткич эса $E_{a, \text{ўр.}}$ 0,97 ккал/моль ёки 4,05 кДж/мольни ташкил этади.

Фаолланиш энергияси кўрсаткичи рух сақловчи концентратни етарлича реакцион қобилиятга эга эканлигини кўрсатди. Жараён давомийлиги 10 соат ва Zn:HCl 1:0,8 дан 1:1,5 гача бўлган нисбатда суюқ ва қаттиқ фазаларнинг таркибига таъсири ўрганилган. Олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Рух хлорид олишда жараён давомийлиги 10 соат бўлганда суюқ ва қаттиқ фазанинг кимёвий таркибига Zn:HCl нисбатининг тасири

№	Zn:HCl	Суюқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %										Эркин HCl, %	Zn ни эритмага ўтиш даражаси, %
		Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Mo	Cl	H ₂ O		
1	1:0,8	15,59	0,314	0,637	0,437	0,224	1,654	0,521	0,018	22,21	57,48	2,19	62,60
2	1:1,0	15,00	0,256	0,520	0,356	0,182	1,348	0,425	0,015	22,24	58,57	3,45	65,43
3	1:1,1	14,71	0,234	0,476	0,326	0,167	1,235	0,389	0,013	22,32	59,03	4,08	68,45
4	1:1,2	13,70	0,218	0,443	0,303	0,156	1,149	0,362	0,013	22,48	59,93	5,55	71,15
5	1:1,3	12,81	0,204	0,414	0,284	0,145	1,075	0,339	0,012	22,74	60,71	6,94	73,00
6	1:1,4	12,04	0,192	0,389	0,266	0,137	1,009	0,318	0,011	23,15	61,39	8,36	74,30
7	1:1,5	11,34	0,181	0,367	0,251	0,129	0,951	0,300	0,010	23,72	62,00	9,84	75,45
№	Zn:HCl	Қаттиқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %											
		Si	Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Mo	Cl		
1	1:0,8	24,69	25,97	0,030	0,061	0,042	0,021	0,157	0,050	0,0017	1,91		
2	1:1,0	25,41	25,23	0,024	0,050	0,034	0,017	0,129	0,041	0,0014	1,80		
3	1:1,1	26,21	24,50	0,022	0,045	0,031	0,016	0,118	0,037	0,0013	1,75		
4	1:1,2	26,91	22,40	0,021	0,042	0,029	0,015	0,110	0,035	0,0012	1,63		
5	1:1,3	28,76	20,98	0,020	0,040	0,027	0,014	0,103	0,032	0,0011	1,53		
6	1:1,4	29,14	20,19	0,018	0,037	0,026	0,013	0,097	0,031	0,0011	1,44		
7	1:1,5	29,47	19,07	0,017	0,035	0,024	0,012	0,092	0,029	0,0010	1,36		

Zn:HCl нисбатини 1:0,8 дан 1:1,5 гача ортиши билан суёқ фазада барча компонентларнинг миқдори камайиб боради. Рухнинг миқдори 15,592 % дан 11,348 % гача, Са 0,314 % дан 0,181 % гача, темир 0,637 % дан 0,3657 % гача ва қолган компонентлар ҳам шу тартибда камаяди. Шу билан бирга хлорнинг миқдори 22,21 % дан 23,72 % гача, эркин хлорид кислотаси миқдори 2,19 % дан 9,84 % гача, рухнинг ажралиш даражаси эса 71,22 % дан 90,10 % гача ортади. Қаттиқ фаза таркиби кремний билан тўйиниб бориб, кремнийнинг миқдори 1:0,8 нисбатда 24,69 % ни, 1:1,5 нисбатда 29,47 % ни ташкил этади. Қаттиқ фазадаги хлор ва қолган компонентлар бир тартибда камаяди.

Рух концентратидан рухни хлорид кислота билан ажратиб олиш даражаси паст бўлганлиги сабабли концентратни дастлабки куйдириш жараёнининг суёқ ва қаттиқ фазалар кимёвий таркибига ва рухни ажратиб олиш даражасига таъсири ўрганилди.

4-жадвалда Zn:HCl = 1:1,1 нисбатда, 28% ли хлорид кислота асосида, экстракция жараёни 10 соат вақт давомида, Ҳандиза концентратини дастлабки куйдириш жараёни 300 дан 500 °С ҳарорат оралиғида олиб борилди. Натижада, куйдириш ҳарорати 300 дан 500 °С га ортиб борганда суёқ фазада рухнинг миқдори 14,831 % дан 15,346 % гача, темир 0,476 % дан 0,687 % гача кўтарилади, қолган компонентлар Са, Cu, Cd, Pb, К, Мо миқдорлари эса камаяди.

4-жадвал

Рух хлориди олишда Ҳандиза концентратини куйдиришда суёқ ва қаттиқ фазаларнинг кимёвий таркибига таъсири

№	Куйди-риш ҳарорати	Суёқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %										Эркин HCl, %	Zn ни эритмага ўтиш даражаси, %
		Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Mo	Cl	H ₂ O		
1	-	14,716	0,234	0,476	0,326	0,167	1,235	0,389	0,0130	22,32	59,03	4,087	68,45
2	300	14,831	0,199	0,665	0,262	0,135	1,002	0,311	0,0041	22,49	59,48	4,209	75,64
3	350	14,958	0,167	0,670	0,199	0,101	0,761	0,232	0,0008	22,68	59,98	4,570	80,05
4	400	15,082	0,136	0,676	0,128	0,066	0,495	0,157	-	22,87	60,47	4,940	83,45
5	450	15,207	0,105	0,681	0,065	0,035	0,253	0,078	-	23,05	60,96	5,292	86,60
6	500	15,346	0,072	0,687	0,0008	0,0004	0,0007	0,0004	-	23,27	61,52	5,662	90,05
№	Куйди-риш ҳарорати	Қаттиқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %											
		Si	Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Mo	Cl		
1	-	26,21	24,50	0,022	0,045	0,031	0,016	0,118	0,037	0,0013	1,752		
2	300	28,09	18,92	0,257	0,063	0,452	0,229	1,652	0,551	0,0613	1,757		
3	350	29,33	15,49	0,439	0,064	0,806	0,421	3,012	0,995	0,0769	1,743		
4	400	30,33	12,87	0,590	0,065	1,157	0,589	4,325	1,358	0,0767	1,728		
5	450	31,28	10,42	0,722	0,065	1,422	0,720	5,351	1,695	0,0724	1,714		
6	500	32,36	7,72	0,843	0,066	1,650	0,846	6,259	1,972	0,0682	1,702		

Куйдириш жараёни қаттиқ фаза таркибига сезиларли таъсир кўрсатиб, ҳароратнинг ортиши кремний, калций, темир, мис, кадмий, кўрғошин, калий, молибден миқдорининг ортишига, рух 24,50 дан 7,72 % гача, хлор 1,752% дан 1,702% гача камайишига олиб келади.

Куйдириш жараёнидан сўнг кўшимча элементларнинг таркиби камайиши ва темир миқдорини ортганлиги сабабли, рух хлорид эритмасидан темирни тозалаш тадқиқотлари оксидловчи модда сифатида кальций хлорати

ишлатилди. Охак ва кальций хлорат икки босқичда, биринчи босқичда Fe^{+3} чўктириш учун рН 3-3,3 бўлган муҳитда, иккинчи босқичда кислоталик муҳитини рН 6,3-6,8 гача нейтраллаш учун ва СаО билан бир вақтда Fe^{+2} чўктириш учун берилди.

5-жадвалда Zn:HCl = 1:1,1 нисбатда олинган эритмани темирдан тозалаш даражасига Fe:Ca(ClO)₂ / HCl:CaO мол нисбатлардаги тасири келтирилган.

5-жадвал

Суюқ фаза кимёвий таркибига Fe:Ca(ClO)₂ / HCl:CaO мол нисбати ва дастлабки куйдириш жараёнининг тасири

№	Нисбат Fe:Ca(ClO) ₂ / HCl:CaO	Суюқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %									Эркин HCl, %	Эритмадан Fe ажратиш даражаси, %
		Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Cl	H ₂ O		
1	1:0,0	15,34	0,072	0,687	0,0008	0,0004	0,0007	0,0004	23,272	61,527	5,662	0
2	1:0,8	14,81	2,844	0,0170	0,00077	0,00039	0,00067	0,00039	23,133	60,253	1,092	97,525
3	1:1,0	14,64	3,497	0,0123	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,032	59,822	0	98,209
4	1:1,05	14,63	3,519	0,0115	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,070	59,746	0	98,326
5	1:1,1	14,63	3,542	0,0115	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,108	59,669	0	98,328
6	1:1,2	14,63	3,588	0,0115	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,183	59,516	0	98,328
7	1:1,3	14,62	3,633	0,0114	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,258	59,362	0	98,340
8	1:1,4	14,62	3,679	0,0114	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,333	59,209	0	98,342
9	1:1,5	14,61	3,724	0,0114	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,408	59,056	0	98,342

Fe:Ca(ClO)₂ / HCl:CaO мол нисбатида 1:0,0 / 1:0,0 дан 1:1,5 / 1:1,05 кўтарилиши эритмада рухнинг 15,34 % дан 14,63 % гача ва 1:1,05 / 1:1,5 нисбатда 14,61 % гача камайишига олиб келади. Шунинг билан бирга кальций мос равишда 0,072% дан 3,519 % гача ва 3,724% гача, ҳамда темирнинг чўкиш даражаси 97,429-98,257 % гача ортади. Эритмада темирнинг миқдори мос равишда 0,687 % дан 0,0115 % гача ва 0,0114 % гача камади. Қолган компонентларнинг миқдори амалда ўзгармайди ва 1:1 / 1:1 нисбатда эркин кислота бўлмайди. Суюқ фазани тозалашнинг мақбул шароити Fe:Ca(ClO)₂ / HCl:CaO=1:1,05 / 1:1,05 мол нисбат танлаб олинди. Шунинг билан бирга эритмани темирдар тозалаш миқдори 98,326 %ни ташкил этиб, темир миқдори 0,0115% дан ошмайди.

Концентрланган рух хлоридини олиш учун тозаланган эритмалар юқори ҳароратда буғлатилди. Эритма ҳарорати концентрация ортиши билан ортади. Буғлатиш жараёни 190–280 °С ҳароратда эритмани концентрацияси ортиши билан қаттиқ фазани ажралиши кузатилади ва ҳароратнинг янада кўтарилиши массани яна суюқланишига олиб келади. Ҳароратни 310–340 °С гача кўтарилиши билан ~1,2 % сув тутган маҳсулот ҳосил бўлади.

Сувсизлантириш жараёни ёқилғи харажатларини ортиб кетишига олиб келади, шу сабабли буғлатишни нисбатан паст 220–250 °С ҳароратда олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тайёр маҳсулот таркиби 9–12 % сувдан иборат.

Суюқ фазани темирдан тозалангандан сўнг, кўп миқдорда кальций қолганлиги сабабли, кальцийдан тозалаш учун эритмага рух гидроксиди билан қайта ишланди. 6-жадвалда суюқ ва қаттиқ фазалар кимёвий таркибига СаО:Zn(OH)₂ нисбатининг тасири келтирилган.

6-жадвалдан кўринадики $Zn(OH)_2:CaO$ нисбатининг 0,8:1 дан 1,5:1 гача кўтарилиши рухни миқдори 18,88% дан 19,09% гача кўтарилишига, хлорни 22,671% дан 21,652% гача камайишига олиб келади. Кўшимчаларнинг миқдори амалда ўзгармасдан қолади. Аммо кальцийни ажратиш даражаси 80,335% дан 99,836% гача ошади.

6-жадвал

Суёқ ва қаттиқ фазалар кимёвий таркибига концентратни куйдириш ва $CaO:Zn(OH)_2$ нисбатининг тасири

№	Нисбат $CaO:Zn(OH)_2$	Суёқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %									Са ажралиш даражаси, %
		Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Cl	H ₂ O	
0	00:00,0	14,63	3,519	0,0115	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,070	59,746	0
1	1:0,8	18,88	0,692	0,0113	0,00075	0,00037	0,00066	0,00037	22,671	58,713	80,335
2	1:1,0	19,90	0,006	0,0113	0,00074	0,00037	0,00066	0,00037	22,574	58,462	99,823
3	1:1,1	19,74	0,006	0,0112	0,00074	0,00037	0,00065	0,00037	22,384	57,968	99,833
4	1:1,2	19,57	0,006	0,0111	0,00073	0,00037	0,00064	0,00037	22,196	57,483	99,834
5	1:1,3	19,41	0,006	0,0110	0,00073	0,00036	0,00064	0,00036	22,012	57,005	99,835
6	1:1,4	19,25	0,005	0,0109	0,00072	0,00036	0,00063	0,00036	21,830	56,535	99,836
7	1:1,5	19,09	0,005	0,0108	0,00071	0,00036	0,00063	0,00036	21,652	56,073	99,836

Диссертациянинг учинчи «**Рух концентратини рух хлоридига қайта ишлаш жараёнининг технологик кўрсаткичлари тадқиқоти**» бобида рух концентратини рух хлоридига қайта ишлаш тадқиқоти натижалари келтирилган.


Рух хлориди олишда конверсия жараёнининг асосий босқичларидан бири фазаларни ажратиш ҳисобланади. Шунинг учун чўктириш ва филтрланиш тезлигини аниқлаш борасида тадқиқотлар олиб борилди.

Олинган маълумотлар рух хлориди олишда суспензияни ажратиш жараёни яхши боришини кўрсатди. Кўришиб турибдики, суспензияни 200 минут давомида ушлаб турилишида чўкмаларни жадал чўкиши кузатилди, лекин вақт давомийлиги оширилганда пўлпани тиниш даражаси камайиши кузатилди. Шундай қилиб, рух концентратидан хлорид кислотаси асосида олинган суспензияни тиниш даражаси 30 минутда 9,7% етди, максимал тиниш даражаси 47,47%. Рух хлориди олиш босқичида суспензияни тиниш тезлиги секин боради. Лекин олиб борилган эксперимент натижалари олинган махсулотларни бир хил таркиблилиги, бошқа қўшимча моддалар йўқлиги ва жуда яхши қуйилишини кўрсатди.

Филтрланиш тезлиги бўйича олинган маълумотлар вакуум даражаси ва ҳароратни қанча бўлишидан қатъий назар суспензия яхши филтрланишини кўрсатди. Суспензиянинг филтрланиш тезлиги 300 мм см. ус.да 143,04–176,15 кг/м²·с ни ташкил этади. Филтрланиш жараёнида вакуум ва ҳароратни оширилиши пўлпа, филтрат ва қаттиқ фаза бўйича филтрланиш тезлигини ошишига олиб келади. Филтрда чўкма баландлиги 15 см гача бўлганда пўлпа бўйича филтрланиш тезлигини 98,47 – 116,99 кг/м²·с гача камайишига олиб келади. Тайёр махсулот физик-кимёвий хоссини аниқлашда Хандиза концентратидан олинган рух хлоридини кимёвий таркиби ўрганилди. Рух хлориди рентгенограммасида сувсиз ва моносувли рух хлоридига тааллуқли

дифференциал максимумлар мавжуд.

ИҚ - спектрларида $ZnCl_2$ гуруҳ комплексларига тааллуқли 2160,27; 186,96; 624,94 cm^{-1} ютиш чизиқлари мавжуд. Чизиқлар минерал объектнинг кристалл структурасида молекулалараро таъсирлашув натижасида кенгайган структурага эга. Хандиза кони рух сақловчи концентратидан олинган рух хлориди плазма атомэмиSSION таҳлил натижалари рух хлоридини юқори даражада мавжудлиги ва силикат, алюминий, темир, мис ва бошқа қўшимчаларни кам миқдорда мавжудлигини кўрсатди. Рух хлоридини плазма атом эмиSSION таҳлил натижалари рентген ва ИҚ – спектр таҳлил натижаларини тасдиқлади. Лаборатория шароитида олинган маълумотлар, шунингдек, моддий оқимлар ҳисоби ва моддий балансни тузилиши Хандиза кони рух сақловчи концентратидан рух хлориди олиш технологик схемасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 1-расмда рух хлориди олиш технологик схемаси келтирилган.



1-расм. Рух концентратини техник рух хлоридига қайта ишлаш тажрибавий қурилма технологик схемаси

1 – куйдириш печи, 2 – автоклав реактор, 3, 6, 9 – филтлар, 4, 7 – идиш, 5 – аралаштирувчи идиш, 8 – кристаллизаторли вакуум буғлатиш қурилмаси, 10 – куриштиш барабани, 11 – совутиш барабани, 12 – қадоқловчи қурилма, 13 – дистиллятор.

Технологиянинг асоси рух сақловчи концентратни хлорид кислота эритмаси билан кислотали парчалаш, қаттиқ фазани ажратиш, рух хлориди эритмасини олиш эритмани қўшимчалардан тозалаш ва суяқ фазани буғлатиб рух хлориди тузли чўкмасини олишдан иборат.

Рух концентратини рух хлоридига қайта ишлаш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- рух концентрати 500 °С да куйдириш;
- Хандиза кони рухли концентратини юқори босимли автоклавда $t = 80^{\circ}C$ да хлорид кислотали парчалаш;
- Рух хлориди эритмасини ажратиш ва қўшимчалардан тозалаш;

- тоза рух хлориди эритмасини буғлатиб техник рух хлориди олиш;
- қадоклаш ва тайёр маҳсулотни сақлаш.

Автоклавга рух сақловчи концентрат юкланди ва хлорид кислотаси эритмаси қўшилди. Реакция зич ёпилган автоклав реакторида олиб боради, рух концентратини хлорид кислотаси билан парчалаш жараёнида ҳосил бўлувчи газ реактор ичида юқори босим ҳосил қилади ва бир вақтнинг ўзида реактор ичида ҳароратни кўтаради. Реакция 10 соат давомида олиб борилди, реакция тугагандан кейин пулпани автоклавдан филтрлаш курилмасига йўналтирилди. Филтрлашдан кейин суюқ фазани седиментация усули билан қўшимчалардан тозаланди, кейинчалик буғлатиш йўли билан рух хлориди ажратиб олинди. Олинган маҳсулот қўйидаги сифат кўрсаткичлари билан характерланади, масс. %: $ZnCl_2$ – 98,27%; Ca – 0,0143%; Fe – 0,027%; Cu – 0,0018%; Cd – 0,0009%; Pb – 0,0015%; K – 0,00088%; H_2O – 1,623%.

Синов вақтида 1000 кг рух хлориди олинди. Рух концентратини рух хлоридига қайта ишлаш технологиясини синов натижалари технология технологик жиҳатдан осон, махсус қурилмаларни талаб қилмаслиги энергия, ресурс ва материал тежамкорлигини кўрсатди. Олиб борилган ҳисоб китоблар Хандиза кони рух сақловчи концентратини рух хлоридга қайта ишлаш самарадорлигини кўрсатди. 50 минг тонна техник рух хлориди ишлаб чиқарилиши ташкиллаштирилганда иқтисодий самарадорлик 266,5 млрд. сўмни ташкил этади.

Диссертациянинг тўртинчи «**Сувли манбалардан литий ажратиб олиш соҳасидаги тадқиқотлар**» бобида Орол денгизи сувининг таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, литий-титан ионли элақлар ёрдамида литий олиш, яхшиланган хоссаларига эга LTO адсорбентини синтез қилинган ва адсорбентни бошқа маълум адсорбентлар билан таққосланган.

Орол денгизининг шўр сувидан литий бирикмаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш учун Орол денгизининг турли жойларидан 30 кг намуналар танлаб олинди. Ишда Орол денгизининг шўр суви ишлатилган бўлиб ва у ўз таркибида қуйидагиларни тутади (г/л): Li^+ – 0,11, Na^+ – 54,92, K^+ – 3,67, Ca^{2+} – 0,80, Mg^{2+} – 10,25, B_2O_3 – 0,03, Cl^- – 70,90. 6-жадвалда индуктив боғланган плазма билан масса спектрометрияси тахлили асосида Хитой, Чили ва Тибетда мавжуд шўр сувлар билан таққосланган маълумотлар келтирилган.

7-жадвал

Орол денгизи шўр сувининг қиёсий таркиби

Шўр сув	УЭТ, г/л	рН	Таркибидаги компонентлар, г/л							
			Li^+	Na^+	K^+	Ca^{2+}	Mg^{2+}	B_2O_3	Cl^-	SO_4^{2-}
Орол денгизи	130,9	8,0	0,11	54,92	3,67	0,80	10,25	0,03	70,90	-
Чили, Атакама	289,2	10	1,22	76,52	18,56	0,31	7,83	0,64	130,83	20,07
Тибет Забуйе тузли кўли	439,8	9,3	0,63	122,5	48,10	-	-	10,30	181,30	33,60
Цинхай Чаерхан тузли кўли	266,4	6,9	0,030	59,36	10,11	0,84	23,72	0,25	166,67	-
Тибет Янбацзин геотермал суви	10,4	8,6	0,025	0,68	0,14	0,21	-	0,36	0,97	0,12

8-жадвалда Орол денгизи сувининг физик-кимёвий хоссалари келтирилган.

8-жадвал

Орол денгизи шўр сувининг физик-кимёвий хоссалари

Умумий қаттиқлик, мг-эқв/л	1195,00
Қаттиқлик, карбонатли, мг-эқв/л	13,00
Қаттиқлик, карбонатсиз, мг-эқв/л	1182,00
СО ₂ эркин, мг/л	132,00
Оксидланиш даражаси мг О ₂ /л	2,00
Кислародга бўлган кимёвий эҳтиёж, мг О ₂ /л	677,76
Кислародга бўлган биологик эҳтиёж, мг О ₂ /л	120,50
С _{орг} , мг С/л	254,16
Ф, мг/л	1,61

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Орол денгизи суви таркибида 0,11 г/л литий мавжуд, бу эса Цинхай Чаерхан тузли кўли ва Тибет Янгбажинг геотермал сувидан фарқли ўлароқ, Орол денги суви таркибидан литий ажратиб олиш учун саноат миқёсида фойдаланиш имкониятини кўрсатади. Хитой халқ республикасида Цинхай Чаерхан тузли кўли ва Тибет геотермал сувлари таркибидаги литий Орол денгизи суви таркибидаги литийга нисбатан 3,7-4,4 марта кам бўлишига қарамасдан саноат миқёсида литий ажратиб олиш йўлга қўйилган.


Тадқиқотнинг асосий мақсади протон алмашинадиган литий титан оксиди (LiTi₂O₄) ион элаклари ёрдамида литийни шўр сув таркибидан олишнинг самарадорлигини ўрганишдан иборат эди. Литийни сорбция қилиш тезлигини ошириш учун тажрибаларда нисбатан юқори литий концентрацияси (100 ppm) ишлатилган.

Ишлатилган литий титан оксиди (LiTi₂O₄) Тианжин Фан ва Технология Университетида лаборатория шароитида олинган. Тузли сувдан литийни олиш учун литий титан оксиди (LiTi₂O₄) Li⁺ алмашинув қобилиятини ошириш учун HCl_(субли) билан протонланган. Протонланган LiTi₂O₄ учун HCl концентрациясининг ([HCl] = 0,1-0,5 М) 16 соат ичида H⁺ га алмаштирилган Li⁺ микдорига боғлиқлиги 2(а)-расмда кўрсатилган.


Расмдан кўринадики HCl концентрациясининг ортиши билан адсорбентнинг алмашилиш қобилияти ва титаннинг эрувчанлиги ортади.

3-расмда жараён давомийлигининг HCl концентрацияси 0,3 М бўлганида адсорбентнинг алмашилиш қобилиятига таъсири кўрсатилган. Унга кўра, протонионик LiTi₂O₄ нинг 16 соатдан кейин литийни ушлаш қобилияти 18,3%, 24 соатдан кейин эса 23,1% ни ташкил қилади, бу H_{0,18}Li_{0,82}Ti₂O₄ ва H_{0,23}Li_{0,77}Ti₂O₄ сифатида ифодаланиши мумкин. Олинган маълумотлар литийни ушлаш жараёнида адсорбентнинг мумкин бўлган иккиламчи ифлосланишини кўрсатади.

Денгиз сувидан литийни сорбциялаш самарадорлигини яхшироқ тушуниш учун LiTi₂O₄/H_{0,23}Li_{0,77}Ti₂O₄ ионли элак алмашинув адсорбентининг 3-та цикл давомида кетма-кет регенерациясида ўрганилди.




2-расм. (а) 16 соат давомида LiTi_2O_4 даги Li^+ ни H^+ ($[\text{HCl}] = 0,1\text{--}0,5 \text{ M}$) билан алмашганлиги, (б) 24 соат да, К:С ниасбатлар 100га тенг бўлганда, адсорбентдаги титаннинг эриши



3-расм. LiTi_2O_4 даги Li^+ ни H^+ (0,3 M HCl (водн.)) билан алмашиниб $\text{H}_{0,23}\text{Li}_{0,77}\text{Ti}_2\text{O}_4$ адсорбентини ҳосил қилиши

Биринчисида, ҳар бир ионли элак учун 9,5 мг литий (мг/г) ушланади ёки тегишли миқдорда H^+ алмашиниб, $\text{H}_{0,23}\text{Li}_{0,77}\text{Ti}_2\text{O}_4$ ҳосил қилади. H^+ (0,3 M) иштирокида регенерация 0,5 соат ичида содир бўлади ва 98% га етади.



4-расм. H^+ ни Li^+ (100 ppm) билан алмашиниши $\text{H}_{0,23}\text{Li}_{0,77}\text{Ti}_2\text{O}_4$ адсорбентини ҳосил қилиши, HCl (сув.) (0,3 M) билан регенерация бўлиб LiTi_2O_4 ҳосил қилишини англатади.


Иккинчи ва учинчи циклларда литийни ютиш қобилияти 2,2-3,5 мг/г оралиғида бўлиб, бу умумий ютилишнинг 25-39% га тўғри келади. Бунинг сабаби Li^+/H^+ нинг $\text{H}_{0,23}\text{Li}_{0,77}\text{Ti}_2\text{O}_4/\text{LiTi}_2\text{O}_4$ билан такрорий алмашинуви вақтида қолдиқ эритманинг аралашуви бўлиши мумкин. 4-расмдан кўришиб турибдики, ионли элаklar литийни ютиш ва уни доимий оқим филтрлаш вақтида денгиз сувида концентрациялаш учун етарли қувватга эга.

Устун адсорбцияси пайтида титан йўқолганлиги сабабли, натрий карбоксиметилцеллюлоза биополимери ёрдамида LiTi_2O_4 хусусиятларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. LiTi_2O_4 адсорбентлари гидротермик усулда қаттиқ фазали калцинация билан 1023 K да 7,5 соат (LTO-1) ва 773 K ҳароратда 3 соат (LTO-2) LiTi_2O_4 шаклида синтез қилинди.

КМЦ ёрдамида хусусиятларни яхшилаш учун 1,5 г КМЦ ва 1,5 г Li_2TiO_3 100 мл икки марта деионизацияланган сувда 6 соат давомида хона ҳароратида (298,15 K) доимий аралаштириш билан эритилди, сўнгра бир ҳил эритма олиш учун бир неча дақиқа давомида соникация қилинди. 100 мл 2%

FeCl₃ эритмаси доимий аралаштириш билан аралаш эритмасига томчилаб кўшилди ва кейин коагуляцияланган заррачалар (КМЦ-LTO) 12 соат давомида доимий равишда аралаштирилади. Кейин КМЦ-LTO гранулалари қолдиқ Fe(III) ионларини олиб ташлаш учун деионизацияланган сув билан бир неча марта ювиш орқали йиғилди.


Тайёрланган КМЦ-LTO гранулалари этилен гликол диглицидил эфирининг (ДЭЭГ) 2% ли эритмасига жойлаштирилди ва гидроксил гуруҳи тўлиқ ўзгартирилгунга қадар 6 соат давомида 318,15 К да сақланди. 6 соатдан кейин ДЭЭГ деионлаштирилган сув билан гранулалар юзасидан олиб ташланди. Филтрлашдан сўнг, КМЦ-LTO-ДЭЭГ шарлари 2% меламина (МЕ) эритмасига жойлаштирилди ва уларни тўлиқ ўзаро боғлаш учун доимий ҳароратда сув ҳаммомида 6 соат давомида 318,15 К да доимий тезликда механик равишда аралаштирилди. 6 соат тургандан сўнг, гранулалар филтрланади ва МЕ қолдиқларини гранулалар юзасидан бутунлай олиб ташлаш учун деионизацияланган сув билан ювилди. Шундан сўнг, гранулалар 24 соат давомида 318,15 К ҳароратда вакуумли қуритиш печига жойлаштирилди ва натижада олинган материал КМЦ-LTO-ДЭЭГ-МЕ ҳосил бўлади. Адсорбент тайёрлаш жараёнининг принципиал схемаси 5-расмда кўрсатилган.



5-расм. КМЦ-LTO-ДЭЭГ-МЕ микросфераларини тайёрлаш тартибининг принципиал схемаси.


LTO-1 ва LTO-2 нинг рентген нурлари диффракция панжаралари (XRD) солиштирганда, LTO-1 нинг ўртача ҳажм диаметри (3,769 мкм) LTO-2 (92,642 мкм) дан кичикроқ эканлиги аниқланди. Бу эса LTO-1 нинг адсорбцион кўрсаткичлари LTO-2 га қараганда юқори эканлигини кўрсатади. Худди шу шароитда LTO-1 нинг адсорбцион қобилияти LTO-2 дан тахминан 2,6 баравар юқори. Натижалар шуни кўрсатадики, қаттиқ фазада калцинация йўли билан синтез қилинган LTO прекурсорини гидротермик усулда олинганидан устундир.

Li⁺ нинг НТО/LTO томонидан адсорбцияси ва десорбцияси ион алмашинув механизмига асосланади ва уни қуйидагича ифодалаш мумкин:



Грануляциядан олдин КМЦ ёрдамида рН ва адсорбция даражасининг таъсири, шунингдек ҳарорат ва концентрациянинг десорбцияга таъсири ўрганилди. Натижалар 6-расмда кўрсатилган.


6-расмдан (а) кўриниб турибдики, НТО-1 нинг адсорбциясига эритманинг рН даражаси сезиларли даражада таъсир қилади ва рН 12,0 да максимал адсорбция қобилиятига эришилади.



6-расм. Li^+ нинг НТО-1 томонидан адсорбциясига рН (а) ва дозанинг (б) таъсири ва ҳарорат (с) ҳамда HCl концентрацияси (д) нинг ЛТО-1 дан Li^+ нинг адсорбциясига таъсири.

Адсорбцион самарадорлик адсорбент дозасининг ошиши билан ортди, лекин адсорбцион сиғим (q_{Li}) эса камайди. 6-расм (с), ЛТО-1 дан Li^+ нинг десорбцияси ҳарорат ошиши билан сезиларли ўсишни кўрсатди. Десорбция механизмига қараб, Li^+ десорбцияси самарадорлиги H^+ концентрацияси ортиши билан ортади. Шундай қилиб расмдаги натижалар билан мос келади. 6-расм (д) Ti^{4+} бирикмаларининг эриши ва йўқолиши HCl концентрациясининг ошиши билан кескин ортади. Шунинг учун адсорбентнинг барқарорлигини таъминлаш учун 0,25 мол/л HCl элюнет сифатида оптимал танловдир.

Адсорбциянинг кинетик параметрлари ва заррача ичидаги диффузия параметрларини ҳисоблаш асосида Li^+ нинг полипорали КМЦ-ЛТО-ДЭЭГ-МЕ томонидан адсорбциясини псевдоиккинчи тартибли кинетик модел билан тасвирлаш мумкинлиги аниқланди. 7-расмда адсорбция жараёни уч босқичга бўлиб кўрсатилган, одатда адсорбция тезлиги паст бўлади.



7-расм. Заррача ичидаги диффузия моделидан фойдаланган ҳолда КМЦ-НТО-ДЭЭГ-МЕ микросфераси билан Li^+ адсорбциясининг чизикли аппроксимацияси

